

ЭРКИНЛИК ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.11628179>

Жамалова Гулнора Гуломовна

ТДИУ, Ижтимоий ва аниқ фанлар кафедраси доценти,

сиёсий фанлар номзоди

jamalova.gulnora64@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Фуқаролик жамиятида фуқароларнинг сиёсий онги шаклланиши фақат демократиянинг мавжудлиги билан белгиланмайди. У аввало жамият иқтисодиётининг тараққий этиб бориши даражасига, халқнинг моддий фаровонлигига, маънавий юксаклигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Мақолада фуқаролик жамияти тўғрисидаги қарашлар, фуқаролик жамияти қурилишида инсон эркинлиги, ҳуқуқ ва манфаатларининг устуворлиги асосий мезон бўлиб хизмат қилиши, фуқаролик жамияти қурилишида эркинлаштириши ва фуқаролар сиёсий фаоллигининг ошириши омиллари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: жамият, фуқаролик жамияти, эркинлик, ижтимоий-сиёсий ҳаёт, сиёсий онг, фуқаролик масъулияти, сиёсий-ҳуқуқий маданият.

ПРИОРИТЕТ СВОБОДЫ И ИНТЕРЕСОВ ЧЕЛОВЕКА ВАЖНЫЙ ФАКТОР РАЗВИТИЯ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА

АННОТАЦИЯ

Формирование политического сознания граждан в гражданском обществе определяется не только существованием демократии. Прежде всего, оно во многом зависит от уровня развития экономики общества, материального благосостояния народа, морального величия народа. В статье анализируются взгляды на гражданское общество, приоритет свободы, прав и интересов человека в построении гражданского общества, факторы либерализации и политической активности граждан в построении гражданского общества.

Ключевые слова: общество, гражданское общество, свобода, общественно-политическая жизнь, политическое сознание, гражданская ответственность, политико-правовая культура.

PRIORITY OF FREEDOM AND HUMAN INTERESTS AN IMPORTANT FACTOR IN THE DEVELOPMENT OF CIVIL SOCIETY

ABSTRACT

An essential aspect of civil society is its formation through the interplay of political organizations, public associations, non-governmental non-profit organizations, political norms, theories, ideas, concepts, rules, and institutions. These elements are interconnected and mutually reinforcing, bound by stable social relationships. The article explores perspectives on civil society, highlighting that human freedom, rights, and interests should be the primary criteria in its development. It also discusses the importance of state support for civil society institutions.

Keywords: *society, civil society, freedom, socio-political life, political consciousness, civic responsibility, political and legal culture.*

КИРИШ

Фуқаролик жамияти қурилиши ҳамда уни амалга ошириш “эркинлик”, “жамиятни эркинлаштириш” ва фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш билан узвий боғлиқ. Бу бир томондан, фуқаролик жамияти қурилишининг муҳим шarti, иккинчидан, унинг ўзига хос мезонидир.

“Эркинлик” тушунчаси кенг маънога эга. Фалсафий нуқтаи назардан “эркинлик” – инсоннинг ўз хошиш истаги, мақсад ва интилишларига мос равишда, актив фаолиятда бўла оlish, унга эришиш қобилиятидир. “Эркинлик” тушунчаси “фуқаролар эркинлиги”, “эркинлаштириш”, “фуқаролар сиёсий фаоллиги” тушунчаларининг маъно-мазмунини, унинг фуқаролик жамияти қурилиши билан боғлиқ қонуниятларини билишга ёрдам беради. Фуқаролар сиёсий онгининг шаклланиши жамиятнинг маънавий-маърифий ривожланишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Чунки маънавий-маърифий жиҳатдан тараққий этмаган жамият инсонни сиёсатнинг объекти сифатида шакллантиради. Жамиятнинг маънавий-маърифий соҳаси, инсоннинг билимдонлик даражаси, маънавияти қанчалик юқори бўлса, у шунчалик сиёсий кўникмаларга эга бўлади. Сиёсий билимга эга бўлган шахс ҳукуматнинг қарорларини, қабул қилинаётган қонунларни яхши англайди, сиёсий хабарларни чуқур билади, ўзининг мустақил фикрига ва ўз позициясига эга бўлади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

«Фуқаролик жамияти» категорияси тарихан инсоният тараққиётининг ҳар бир давр мутафаккирларининг ақл-идрок, эркинлик, фаровонлик ва адолат ҳукм

сурадиган ижтимоий тузум моделини яратиш йўлидаги интилишлари билан изоҳланади. Фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамisha у ёки бу тарзда давлат тузумини такомиллаштириш, ҳуқуқ ва қонун ролини ривожлантириш муаммолари билан боғлаб тушунтириб берилган. Масалан, Платоннинг «идеал давлат ғояси», Аристотелнинг давлат фуқароларнинг ўз эҳтиёжларини ўзи қоплаб яшай оладиган даражадаги бирлашмасидир, яъни айнан фуқаролик жамияти билан боғлиқ ғояларини мисол келтириш мумкин.

Цицерон «...қонун фуқаролик жамиятининг ўзаро боғловчи бўғини, ҳуқуқ эса, қонун билан белгиланган ҳамма учун бир хил имтиёздир...» деб таъриф берган [7]. Қадимги Шарқ олимларининг асарларидаги шаҳар-давлатлар (полислар) билан боғлиқ жамият, давлат тузуми ҳақида ғоялари ҳам мавжуд. Жумладан, Абу Наср Форобий асраб-авайловчи бошқарувни ташкил этиш усулларини ўрганиш, шаҳарлар аҳлига эзгулик ва фаровонлик қай йўсинда тўғри келиши ҳамда уларга эришиш, шу неъматларни асраш йўллари қандай топишни кўрсатиб бериш зарур, деб таъкидлаган. Ушбу қарашларни ўзининг “Фозил одамлар шаҳри”, “Давлат арбоби ҳикматлари” ва “Фуқаролик сиёсати” асарларида батафсил баён этган. Мазкур асарларда у ўзи умум бахтиёрликка эришиш йўли деб билган олий ҳукмдорлик санъатига кенг ўрин берган.

Форобий шаҳар-давлатларнинг “жоҳил” ва “фозил” деб аталган икки турини ажратиш кўрсатади. “Фозил одамлар шаҳри”да асосий рол маърифатли ҳукмдорга берилади ва у ўз фазилатлари билан энг қатъий талабларга ҳам жавоб бера олиши керак эди [2]. Бошқарувга фақат бадавлат кишиларни қўйиш керак, деб ҳисоблаган Афлотундан фарқли ўлароқ, ал-Форобий юқоридаги талабларга жавоб берадиган ҳар қандай одам ҳукмдор бўлиши мумкин, деб ҳисобларди. Бинобарин, у ўзининг фозиллар шаҳрида олий ҳокимиятнинг наслдан-наслга мерос бўлиб ўтишини, шунингдек, фақат бадавлат кишилар ҳокимиятини тан олмаган[3]. Ибн Сино «фозиллар» ва «жоҳиллар» шаҳарларида ҳокимиятни амалга ошириш, раҳбарлик ва умуман ишларни ташкил этилиши усулларини ўрганишдан асосий мақсад уларнинг юксалиши, қулаши ва ўзгариши сабабларини аниқлашдан иборат, деб ёзганди.

Ибн Холдун давлат ва сиёсат ҳақидаги ўзининг қарашларини «Муқаддима» асарида баён қилиб берган. Ҳалифаликни муайян сиёсий режим ва бошқарув шакли сифатида талқин этган ва унинг ҳуқуқий мавқеи нуқтаи-назаридан таҳлил қилган.

Ибн Холдун таълимотига кўра, инсонни ўзининг табиати билан боғлиқ равишда ҳар қандай жамият одамларнинг ёвузлик ва ўзаро бир-бирини қириб ташлашга «табиий» интилишларига тўсқинлик қиладиган «тийиб турувчи асос»нинг бўлишига муҳтождир. Давлат жамият аъзоларини босиб туради,

уларни бирлаштиради ҳамда ўз фуқароларига нисбатан ҳам, шунингдек, ташқи доирада ҳам мажбурлов ҳокимиятини амалга оширади. Ҳокимият ҳукмдорнинг куч ёрдамида фуқароларни бошқариши, солиқларни йиғиши ва армияни шакллантиришига ёрдам берувчи чексиз ҳукмронлигидан иборат. Давлатнинг «ташқи» олий ҳокимияти унинг ҳар қандай бошқа ҳокимиятга ёки мажбурловга бўйсунмаслигида намоён бўлади.

Ибн Холдун қарашларига кўра, давлат сиёсати фақат ҳукмдорларнигина ўз ичига олмай, балки барча фуқароларни ҳам жалб этиши керак. Ибн Холдуннинг фикрича, “жамият-одамларни ёки уларнинг маълум қисмини уруғчилик муносабатлари асосида аниқ бир шаҳарда ўзларининг эҳтиёжларини қондириш учун биргаликда яшашларидир. Шунинг билан бирга, у “инсоният жамияти, давлат тўғрисида, маърифийлашган шаҳар тўғрисида ҳамда “ёввойи жамият” тўғрисида ҳам фикрларини баён қилган[6].

Макиавелли аралаш – монархия, анархия ва демократиядан иборат бўлган давлат шаклини энг мақбул шакл деб ҳисоблаган. Уларнинг ҳар бири бошқаларини тийиб, айна пайтда асраб-авайлаши керак.

Фуқаролик жамияти асослари тўғрисида И.Кант қуйидаги ғояларни илгари сурган: а)инсон ҳамма нарсани ўз куч-қудрати билан яратиши ва яратган нарсалари учун жавоб бериши лозим; б)инсон манфаатларининг тўқнашуви ва уларни ҳимоя қилиш зарурати кишиларнинг ўз-ўзларини такомиллаштиришга ундовчи сабаблардир; в)ҳуқуқ томонидан қонуний таъминланган фуқаролар эркинлиги ўз-ўзини такомиллаштиришнинг зарур шarti, инсон кадр-қимматини асраш ва юксак кўтариш кафолатидир [5].

И.Кантнинг фалсафий таълимотини давом эттириб, В.Гумбольдт конкрет мисоллар асосида фуқаролик жамияти билан давлат ўртасидаги боғлиқлик зиддиятлар ва фарқларни исботлашга уринди. Фуқаролик жамиятига у индивидларнинг ўзлари томонидан шакллантириладиган миллий, ижтимоий муассасаларни; б)табiiй ва умумий ҳуқуқни; в)инсонни киритади. Унинг фикрича, фуқаролик жамиятидан фарқли ўлароқ давлат: а)давлат институтлари тизимидан; б)давлат чоп этадиган позитив ҳуқуқдан; в)фуқародан иборат бўлади.

Фуқаролик жамияти тўғрисидаги Г.В.Гегелнинг «Фуқаролик жамиятида ҳар бир одам ўз-ўзи учун қўйган мақсад билан ҳаракат қилади, бошқа ҳамма унинг учун ҳеч нарсага арзимайди. Бироқ бошқалар билан ўзаро алоқаларсиз у ўз мақсадларига тўла ҳажмда эриша олмайди»- деган ғоялари муҳимдир [4]. Бу ғояларни сўзсиз инсоният жамиятининг асосларига қўйиш мумкин.

Фуқаролик жамияти қурилишида «давлат ҳокимияти», инсон, давлат ва жамият муносабатларини қандай асосда фаолият юритиши муҳим роль ўйнайди.

Фуқаролик жамияти курилишида инсон эркинлиги, ҳуқуқ ва манфаатларининг устуворлиги асосий мезон бўлиб хизмат қилиши лозим. Шунинг ҳисобга олган ҳолда, «сиёсий жамият» ва «фуқаролик жамияти»нинг ўзаро муносабатини таъкидлаш жоиз. Фуқаролик жамияти сиёсий ҳокимият, хусусан «Давлат ҳокимияти институтлари» билан ўзаро боғлиқ. Бу унинг сиёсий жиҳатидир. Фуқаролик жамияти сифатида давлат ва жамият курилишида инсонлар, турли фуқаролик институтлари, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари орқали, давлат курилиши вазифаларини амалга оширишда демократик тамойилларининг устуворлигига эришилганлигини ҳисобга олиш муҳим. «Сиёсийлашган жамият» эса фуқаролик жамиятига зид бўлиб, унда давлат манфаати, монополияга ҳукмронлик қилишини англатади. Бундай ҳолатда фуқаролар эркинлиги ва манфаатларига зид сиёсий тартиботлар, режим (тоталитар) устувор бўлади.

Ҳозирги замон илғор мамлакатларида барпо этилган фуқаролик жамиятлари тўғрисидаги тасаввурлардан келиб чиқадиган бўлсак, у ҳолда фуқаролик жамияти бу:

-биринчидан, жамият ҳаёти фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларида ихтиёрий равишда шаклланган, бошланғич нодавлат нотижорат тизимларини ўз ичига қамраб олган инсоний бирликдир;

-иккинчидан, жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий, оилавий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқариш, шахсий ва нодавлат муносабатларнинг мажмуасидир;

-учинчидан, эркин индивидлар, ихтиёрий равишда шаклланган ташкилотлар ва фуқароларнинг турли органлар тазйиқлари, аралашилари ёки бир қилишга солишларидан қонунлар воситасида ҳимояланган жамияти бўлиб, унда улар ўзлигини намоён қила олишлари учун доимий имкониятларга эга бўладилар.

Давлат ва жамиятни бир хил деб қаровчи фикрлар ҳам мавжуд. Давлат ва жамиятни умуман ҳеч қачон бир биридан ажратиш бўлмайди. Давлат жамиятнинг маълум бир босқичида ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи институт сифатида вужудга келган ва жамиятнинг ривожланиши ҳуқуқий кафолати бўлиб келмоқда, шунингдек, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий ташаббускори ҳам, «бош ислохотчиси ҳам» давлатдир.

МУҲОКАМАЛАР

Фуқаролик жамияти фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришга ўтиб бориш жараёни сифатида «фуқаролар жамиятидан» фарқ қилади, - деб ёзади проф. И.Эргашев, - ва фуқаролик жамияти тамомила бошқача янги тамойилларга,

сифат ўзгаришига асосланадиган жамиятнинг ҳолатидир», - дейди[8]. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, “фуқаролик жамияти” кўпроқ жамиятни бошқаришда фуқароларнинг иштироки, уларнинг жамоат бирлашмалари ва ўз-ўзини бошқариш органлари орқали жамиятдаги ўрни юқори эканлигини, маъсулият кўпроқ фуқаролик, демократик институтлар зиммасида эканлиги билан характерланади.

Фуқаролик жамиятининг шаклланиши ўз навбатида давлатнинг ҳуқуқий давлат мақомига эга бўлишига, “давлатнинг монополиясига” барҳам беришга олиб келади. Ҳуқуқий давлат бу фуқаролик жамияти маҳсули, унинг кафолатидир. Бирининг иккинчисисиз мавжуд бўлиши мумкин эмас.

Фуқаролик жамияти ўзининг сиёсий жиҳатларига ҳам эга бўлади. Бу сиёсий ҳокимиятни демократик тамойиллар асосида инсон, жамият ва давлат муносабатларини амалга ошириш билан боғлиқ. Жамиятнинг бир томонлама сиёсийлашуви демократик негизлардан узоқлаштиради ва фуқаролик жамияти курилиши қонуниятларига тўғри келмайди.

Фуқаролик жамиятида фуқаро ижтимоий муносабатларни бошқаришда ихтиёрий равишда ўз манфаатларидан келиб чиқиб иштирок этади. Давлат ва жамият бошқарувига оид муҳим ижтимоий сиёсий, маданий масалаларни муҳокама ва ҳал этишда иштирок этади, жамоат манфаатларини ҳам, бир вақтда ўзларининг хусусий, шахсий манфаатларини ҳамоя қилади. Шахс инсон эркинлиги, манфаатларининг устуворлигига асосланади.

Фуқаролик жамиятида ижтимоий гуруҳлар, бирлашмалар, муассасалар маҳаллий бошқарув органлари ва бошқа жамоат тузилмалари ўзаро ҳамкорликда фаол ҳаракат қилади. Улар орқали фуқаролик жамияти субъектлари биргаликда, давлат ҳокимиятида ўз манфаатларини рўёбга чиқарадилар.

Иккинчидан, фуқаролик жамиятида сиёсий институтлар хилма-хиллиги амал қилади. Фуқаролар турли сиёсий партияларга, ташкилотларга, бирлашмаларга, уюшмаларга эркин равишда кириши, шунингдек, бундай ташкилотни ташкил этиши мумкин. Давлат ва маҳаллий бошқарув органларига сайлов жараёнида иштирок этади, хусусий мулкка эга бўлади ва ўз мулкидан қонун асосида даромад олиш мақсадида фойдаланади.

Учинчидан, фуқаролик жамиятида сўз эркинлиги, ошкоралик, ахборот олиш эркинлиги, эркин равишда мамлакатга келиш ва бошқа мамлакатлардаги фуқаролар билан қонуний асосда маданий, илмий ва ахборот алмашиш ҳуқуқи таъминланади.

Тўртинчидан, фуқаролик жамияти ўз-ўзини бошқарадиган ва ўз ички имкониятларидан ривожланадиган тизимдир. Фуқаролар турли жамоатчилик,

нодавлат нотижорат ташкилотларга бирлашиб, ўзаро турли-туман манфаатлари амалга ошиши учун сиёсий, иқтисодий, маънавий муносабатга киришадилар.

Бешинчидан, фуқаролик жамиятида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳақиқий халқ ҳокимияти, инсоннинг меҳнатини ва бошқа ҳаётий эҳтиёжларини рағбатлантиришга ва ҳимоя қилишга қобил бўлган бозор иқтисодиёти, ижтимоий адолат, ҳуқуқий давлат мавжуд бўлади. Ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва таъминлаш ҳам қонунчилик ҳам давлат кафолатлари билан, шунингдек, ноҳуқумат жамоат ташкилотларининг фаол ҳаракати билан таъминланади.

Олтинчидан, мулкнинг хилма-хиллигига асосланган иқтисодий тизим фуқаролик жамиятининг энг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб, мулкчиликнинг турли кўринишларини қамраб олган бозор иқтисодиётини кўзда тутди. Мулкчиликнинг барча шакллари тенг амал қилади ва ҳимоя қилинади.

Фуқаролик жамиятида демократик институтларнинг мавжудлиги ва унинг мустаҳкамланиб бориши – фуқаролар сиёсий онги ва маданиятини шакллантиришнинг ҳал қилувчи шартидир. Бундай фуқаролик жамияти сиёсий тизими шахс сиёсий-ҳуқуқий онги ва фаолиятининг ривожланишига кенг имкониятлар яратади, уни рағбатлантиради. Жамият сиёсий тизими қанчалик демократик бўлса, инсон сиёсий ҳаётда, фуқаролик жамияти қурилишида шунчалик фаол иштирок этади.

Жамият иқтисодиётининг ривожланиши фуқаролик жамиятининг билимдон, малакали, касбий тайёргарликка эга бўлган бошқарув кадрларининг шаклланиши учун зарур база бўлиб хизмат қилади. Иқтисодиётнинг тараққий этиши, халқнинг фаровонликка эришуви – сиёсий ва маданий шаклланишининг асосий шартларидан бирidir. Жамият қанчалик иқтисодий жиҳатдан тараққий этиб борса, уни идора қилишнинг демократик шаклларига, яъни ўзини ўзи бошқаришга ўтиш, эркинлик шунчалик очиқ бўлади. Маънавий салоҳияти ва фуқароларнинг моддий яшаш шароити юқори бўлса, улар шунчалик демократияни қўллаб-қувватлайдилар ва ҳимоя қиладилар.

Шундай қилиб, фуқаролик жамияти қурилиши фуқароларнинг сиёсий фаоллиги сиёсий онги муайян сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий маънавий-маърифий омиллар, шарт-шароитлар негизида шаклланади. Бу омиллар инсон сиёсий фаолиятининг ривожланишига, унинг сиёсатнинг субъекти сифатида намоён этишига ёрдам беради.

Ўзбекистонда инсонни жамият сиёсий ҳаётининг бевосита фаол иштирокчисига айлантириш ҳамда унинг сиёсий маданият даражасини ривожлантириш учун зарур барча барча шарт-шароитлар яратилмоқда.

Жамиятимиз аъзоларининг сиёсий маданиятини ошириш, уларнинг сиёсий фаоллигини кўтариш бугунги кунда жамиятда амалга оширилаётган сиёсий ислохотларнинг кўзлаган ютуқларига эришуви, мазкур ислохотларнинг жамият фуқаролари томонидан қай даражада қўллаб-қувватланиши орқали юз беради. Давлат билан жамият ўртасида бўладиган ўзига хос ижтимоий ҳамкорлик тараққиётнинг гарови бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунга келиб Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг ижобий натижаси пировардида кўп жиҳатдан давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг фуқаролик жамияти талаблари даражасига кўтарилиши билан амалга оширилишининг асосида фуқароларимизнинг сиёсий фаоллигини ошириш ётади, сиёсий маданият даражасини юксалтириб бориши эса ана шундай фаолиятнинг Конституция ҳамда бошқа қонун нормаларини ҳурмат қилиш, жамият барқарорлиги учун масъулиятни доимо ҳис қилиб туриш каби жиҳатлар билан боғлиқ.

Фуқаролик жамияти қурилишида эркинлаштириш ва фуқаролар сиёсий фаоллигининг ошиши кўп омилларга боғлиқ. Бунда миллий кадриятларнинг ўрни ниҳоятда каттадир. Шу жиҳатдан олиб қараганда, бой маънавий маданият, ноёб миллий кадриятлар, бебаҳо сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва фалсафий таълимотлардан баҳра олиб шаклланишида мамлакатимизнинг миллий истиқлол ғояси муҳим ўрин эгалламоқда. Миллий сиёсий маданият ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдига бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни, унга ишонч ва эътиқодни ҳам қамраб олади. Ҳақиқатдан ҳам, жамиятимизнинг миллий сиёсий маданияти ўзининг мана шу хислатлари билан фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошиши ва ривожланишида асосий маънавий озиқ бўлиб хизмат қилади. Чунки сиёсий-ҳуқуқий маданият айни пайтда ҳар бир фуқаронинг аниқ масала асосида, у ўзи яшайдиган кадриятлар ва сиёсий маданиятлар асосида шаклланади. Дарҳақиқат, ўтган йиллар давомида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги (1991), “Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисида”ги (1999), “Жамоат фондлари тўғрисида”ги (2003), “Нодавлат ноижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги (2007), “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги (2014) қонунлар, “Нодавлат ноижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг қўшма Қарори (2008), “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2005) ва “Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида”ги (2013) Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2013 йил 12 декабрдаги ПҚ-2085-сонли Қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (2014), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5430 сонли Фармони ва бошқа қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг эркин, барқарор ва тизимли ривожланиши учун мустахкам замин яратиб берди. Бинобарин, давлат раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш – давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришнинг асосий йўналиши сифатида белгилаб олинган. Янги Ўзбекистонда “Давлат-инсон учун” тамойили асосида инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва уларга амал қилиш масалалари ислохотларнинг устувор йўналишига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган “Нодавлат ноижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5012-сонли Қарор ҳамда “2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6181-сонли Фармон Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг замонавий босқичида янги саҳифани очиб берди[1]. Бугунги кунга келиб, Ўзбекистонда 10 минга яқин нодавлат ноижорат ташкилотлари давлат органлари билан бир қаторда ижтимоий шериклик тамойиллари асосида стратегик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этувчи мақсадларни амалга ошириш йўлида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, биринчидан, мамлакатимизда эркинлаштириш ва фуқароларнинг эркинлиги ва фаоллигини амалда таъминлаш учун муҳим шарт-шароит яратилмоқда. Ундан фойдаланиш эса кўп жиҳатдан фуқароларнинг ўзларига боғлиқдир.

Иккинчидан, фуқаролик жамияти қурилиши шароитида фуқароларнинг эркинлигини ва сиёсий фаоллигини ошириш муҳим қонуният сифатида намоён

бўлади. Чунки, фуқаролик жамияти қурилиши асосан фуқароларнинг жамият бошқарувидаги иштирокига, унинг вазифаларини ўз зиммасига олиши билан кўпроқ боғлиқ ҳолда кечади.

Учинчидан, фуқаролар эркинлиги ва сиёсий фаоллигини фуқаролик жамияти қурилишида мавжуд демократик институтлар фаолиятидаги иштирокида аниқ кўриш мумкин.

Тўртинчидан, эркинлаштириш ва фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш кенг жабҳали бўлиб, у жамият ҳаётининг барча соҳаларини ўз ичига олади. Хусусан, бугун ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикри ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабатини эркин ифода этадиган минбарга айлантirmасдан туриб демократияни чуқурлаштириш ва аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки тўғрисида сўз юритиб бўлмайди, деган тушунча жамоатчилигимиз ўртасида тобора кучайиб ва мустаҳкамланиб бормоқда. Буни фуқаролик жамияти қурилишининг ўзига хос муҳим қонуниятини эканлигини таъкидлаш лозим.

Аҳоли турли қатламлари вакилларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш, энг асосийси, фуқароларнинг жойларда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнларига шахсий дахлдорлик туйғусини янада кучайтиришда “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” концептуал жараёнларни амалиётда янада фаоллашувида, фуқаролик жамияти институтларининг барча тизимларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ННТларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши билан боғлиқ ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш муҳим омил бўлиб хизмат килади.

Жамият ҳаётини демократиялаштиришдан мақсад ҳам фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришдан, кучли фуқаролик жамиятини қуришдан иборат. Фуқаролик жамияти - инсон манфаатларини, унинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини имкон қадар тўла рўёбга чиқаришга кўмаклашувчи, қонун устуворлик қиладиган ижтимоий макондир. Фуқаролик жамиятини қуриш давлат органларининг бир қатор ваколатларини жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топширишни кўзда тутишини ҳисобга олсак, у биринчи навбатда, бозор ислохотларини чуқурлаштириш, тадбиркорликни рағбатлантириш, хусусий мулкни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдириш, ижтимоий инфратузилмани раванқ топтириш, одамларнинг моддий фаровонлигини ошириш ва аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари, маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органлари томонидан ҳал этилиши керак бўлади. Айни шу йўл билан фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асослари барпо этилади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги "2021 — 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–6181-сон Фармони.
2. Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шахри». - Т.: Халқ мероси, 1993. - Б.159-164.
3. Аль-Фараби. Философские трактаты. - Алматы, 1990. – С.317-319.
4. Гегель Г.В. Философия права. - М.: Мысль, 1990.-524 с.
5. Кант И. Идеи всеобщей истории во всемирно-гражданском плане // Сочинения на немецком и русском языках. Т.1. - М.: Юридиздат, 1994. -С.95.
6. Сейед Мохаммад Хатами. Традиция и мысль во власти авторитаризма. /Перевод с персидского Х.Вахриза. - М.: МГУ, 2001. - С.245-246.
7. Цицерон. Диалоги. - М.: Наука, 1996.- С.24.
8. Эргашев И. Тараққиёт фалсафаси. - Т.: Академия, 2000. –Б.48.
9. Исмаилов А.З. Демократик фуқаролик жамияти ва унда ҳуқуқий онгни
10. билишнинг ижтимоий-фалсафий диалектик асослари// Academic Research in Educational Sciences. 2020.-№1.- Б.202-210.